

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 1 июнь, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (10.913)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган хайъат йўғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

●Қадим ва навқирон Самарқанднинг қутлуг тўйи муносабати билан ўтказилган фольклор-этнографик жамоаларнинг «Навқирон Самарқандга таъзим» республика кўрик-фестивали якунланди. Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройининг «Сардоба» фольклор-этнографик ансамбли кўрик-фестивалнинг олий мукофотиغا сазовор бўлди.

●Бу йил Хоразм вилояти бўйича ташкил қилинган 38 та оромгоҳда ҳар сменада 3460 нафар ўқувчининг ёзги дам олиши учун шaroитлар ҳозирлаб қўйилган. Шунингдек, Тошкент вилояти оромгоҳларига 1000 нафар хоразмлик ўқувчилар соғломлаштириш учун юборилди.

●Германияда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган анъанавий Бранденбург кубоги мусобақаларида юртодшларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритдилар.

●Кўкон маиший хизмат касб-хунар коллежида Минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази иш бошлади.

●Бухоро туманидаги 1-мактаб қошида 33 мингтадан зиёд китобни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази иш бошлади. Янги марказ тўртта йirik тармоқ кутубхонасининг қўшилиши асосида ташкил топди.

●Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан Ижтимоий химоя йили ҳамда «Экологик билимлар кўни»га бағишлаб коллежлар ўртасида «Табият—бу ҳаёт ва тириклик тантанасидир» шиори остида экофорум ўтказилди.

●Испаниядаги нашриётлар ҳамда ушбу давлатдаги «Саудо етакчилари клуби» ҳамкорликда таъсис этган «Сифат учун» халқаро мукофоти бу йил Жиззахдаги «ЎзЭксайд» Ўзбекистон-Америка кўшма корхонасига насиб этди.

●Бухородаги Ибн Сино номли маданият саройида республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, вилоят ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида фото ва тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

●Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида янги ўзбек-хитой «LaneEkstrakt» кўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу корхонада Оролбўйида ўсадиған қизилмиш гиёҳи илдиқидан фармакологияда кенг қўлланиладиган глицирризин ишлаб чиқарилмоқда.

ЖАҲОНДА

●Латвиянинг янги Президенти этиб 52 ёшли шифокор Вальдис Затлерс сайланди. Затлерс учун парламентнинг 58 нафар депутати овоз берди. Латвиянинг амалдаги Президенти Вике Фрайберге хоним ҳам шифокор Вальдис Затлерс номзодини қўллаб-қувватлаганини билдирди. Янги Президент жорий йилнинг 7 июнидан ўз вазифасини бошлашга киришади.

●Кеча Туркия парламенти мамлакат Конституциясига Президент сайловларига доир ўзгартiriш киритиш ҳақидаги қарорни иккинчи ўқишдан сўнг қабул қилди.

●Кеча Россияда ташкил этилган матбуот конференциясида Буюк Британиянинг қироллик прокуратураси томонидан Россиянинг собиқ Федерал хавфсизлик хизмати ходими Александр Литвиненконинг ўлимида айбланган бизнесмен Андрей Луговой ўзининг айбисиз эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Луговой шикоят билан Гаагадаги халқаро судга муурожаат қилишини ҳам айтди.

●Исроил Бош вазири ўринбосари Шимон Перес мамлакат президентлиги учун ўз номзодини илгари суришини расман билдирди. Бош вазири Эхуд Ольмерт ва айна пайтда президент вазири бажариб турган Кнессет спикери Далия Иттик ҳам Переснинг қарорини қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

●Таиланд суди мамлакатнинг собиқ бош вазири Таксин Чинаватнинг Тай Рак Тай партияси ўтган йил баҳорда бўлиб ўтган сайловларда қонуларни бузганлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Таксин Чинаватнинг юқори лавозимларда 5 йил давомида ишлашини ҳам таъқиқлади. Айна пайтда мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

●«Франс-пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Гуантанамо қамқонхонасида Саудия арабистонилик махбус ўз камерасида ўлик ҳолда топилган. Дастлабки текширув натижаларига кўра махбуснинг ўз жонига қасд қилган бўлиши ҳам мумкинлиги таъкидланмоқда.

●Кеча таксиларга лицензия олиш тўғрисидаги қондаларнинг ўзгартiriлиши муносабати билан Италиянинг йirik шаҳарларида фаолият кўрсатаётган 30 минг нафар такси ҳайдовчилари иш ташлашди.


ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 2 июнь кўни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Бугун — Халқаро болаларни химоя қилиш кўни



КИЧКИНТОЙЛАР КУЛГУСИ ОЛАМНИ ТУТДИ

БОЛА — ШУ БИРГИНА СЎЗ ЗАМИРИДА ОЛАМ-ОЛАМ МАЪНО ЯШИРИН. БОЛАЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ, ЮРАГИМИЗНИНГ БИР ПАРЧАСИ, УМРИМИЗГА МАЗМУН ВА ҚУВНОҚ БАҲШ ЭТУВЧИ УМИД ЮЛДУЗЛАРИМИЗДИР. ШУНИ ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЖОИЗКИ, БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КҮНИ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО БАЙРАМЛАРДАН БИРИ БЎЛИ, УНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОР 1949 ЙИЛИ ХАЛҚАРО АЁЛЛАР ДЕМОКРАТИК ФЕДЕРАЦИЯСИНING МАХСУС СЕССИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. БИРИНЧИ БАЙРАМ 1950 ЙИЛДА НИШОНЛАНГАН. 1989 ЙИЛИ ЭСА «БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ» ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. БУ ҚОНУН ҲУЖЖАТИ 1990 ЙИЛДА КУЧГА КИРГАН.

Кувонarli томони шундаки, мамлакатимизда ҳар бир болага алоҳида эътибор ва ғамхўрлик қўрсатишмоқда. «Она ва бола», «Соғлом авлод», «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07-20-7-сонли 2007 йил 4 майдаги топшириғига биноан «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури» ва бошқа қонун ҳужжатлари болаларни ҳар томонлама химоя қилиш, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Президентимиз таъкидлаганидек «Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир».

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган кенг қўламдаги савий-ҳаракатлар фикримизга ёрқин далилдир. Халқаро болаларни химоя қилиш кўни мамлакатимизда ҳар йили кичкинтойлар учун шодийна байрам сифатида кенг нишонланади. Мазкур сана муносабати билан шаҳримизнинг барча гушларида болалар учун байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Мана шундай байрам шоди-

ёнаси кўни кеча шаҳримизнинг энг хушманзара, кичкинтойлар учун мўъжизали боғлардан саналмиш «Тошкент-ленд» болалар истироҳат боғида бўлиб ўтди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳокимликлари, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилиги жамғармаси билан ҳамкорликда шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ўтказилди. Шу кўни байрам тадбирлари 1200 нафардан зиёд шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйлари, Жиззах вилоятидаги 29-сонли, Тошкент вилоятидаги 14-сонли Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, шунингдек 33, 199-сонли ёрдамчи мактаблари, 6-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари ва ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун барча кўнгилочар ўйингоҳлар бепул ташкил қилиниб, болалар ихтиёрига топширилди. Кичкинтойлар боғида мавжуд турли хил ўйингоҳларда мазза қилиб учиб, қалблари беҳад кувонч шодликка тўлди. Шунингдек, болаларга салқин ич-хилликлар, музқаймоқлар улашилди.

— Мен бугун жудаю хурсанд ва бахтиёрман, — дейди 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Азиза Абдусаматова. — Ўйингоҳларда дўстларим билан мазза қилиб ўчялмиш. Бизга доимо ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатиб келаётган ҳукуматимизга, тарбиячиларимизга катта раҳмат айтаман. Бизга ғамхўр бўлган она Ватанга доимо содиқ бўлиб, келгусида ўқиб, билим олиб, юрт учун муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан.

Шу кўни байрам шодиёнасида кувноб яйраган болажонларнинг бегубор қалби фахрга тўлди, уларнинг бахтиёр ва кувноқ кулгулари оламини тутди. Дилларида ҳам, кўзларида ҳам она Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат тўйгулари яққол намоён бўлиб турди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Тошкент-ленд» боғида бўлиб ўтган байрам шодиёналаридан лавҳалар.

Наталья Семёнова ва Шавкат Қадҳоров олган суратлар

(1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кўнига бағишланган туркум материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Кечасатрларда

●**КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ҳамза туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Бахтли болалик» мавзуда уюштирилган тадбир ва концерт дастури Халқаро болаларни химоя қилиш кўнига бағишланди.

●**КЕЧА** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кўнига бағишланган байрам тадбири Яқкасарой туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЕИХ туман бўлитмлари томонидан ташкил этилди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан ҳуқуқшунослар, адвокатлар

ва ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир фуқаролик жамиятини ривожлантиришда адвокатура тизимининг аҳамиятига бағишланди.

●**КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърафат» марказида ёшлар иштирокида Бутунжаҳон чекиши қарши кураш кўнига бағишлаб уюштирилган тадбир «Тамани туғилган юз фоиз холи бўлган атроф-муҳитни яратинг» деб номланди.

●**КЕЧА** Юнусобод туманидаги 235-мактабга таълим муассасасида «Чагаев издошлари» мавзуда ўтказилган тадбир ва спорт мусобақасида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирок этишди.

●**КЕЧА** кино санъати илосмандлари эътиборига Эркин Аъзамов сценарийи асосида Ўзбек кино усталари томонидан яратилган «Забаржад» ҳужжатли фильми ҳавола этилди.

●**КЕЧА** шаҳримиздаги Аҳмад Юғнакий номидаги спорт мажмуасида 7-12 ёшли қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича турнир ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбиримиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТНИНГ ҲАҚИҚАТЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигини муносиб кўтиб олиш, бу қутлуг сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлиш мустақиллигининг бекиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат тўғрисида янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 14 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу ғояни ўзида мурасам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.

3. Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтаринки руҳ ва кайфиятда, ташкилий, ғоявий-бадий жиҳатдан юксак савияда, аҳолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

Ушбу тадбирлар режасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

истиклолнинг ёш авлод тақдирида, уларнинг замонавий дунёқараши, билим ва тафаккури, фаол гражданик позициясини шакллантириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини, йигит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиқдек асраш борасида эришаётган ютуқларини аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эл-юрт таяничи бўлиш оила институтини ҳар томонлама мустақамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, «Ижтимоий химоя йили» дастури доирасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини аниқ эътириш;

мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, юртимиз суҳратини дунёга тараннум этиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмат сиғинган кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш;

истиклолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ аниқлаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъий эвазига кўлга киритилгани, кенг қўламли ислохотларимиз мижоз этибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усул-усуллар орқали ёритиш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги туб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётга онгли муносабати, дахлдорлик тўғриси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатлари тобора кучайиб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиотимизнинг асосий шарти ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб бериш.

4. Республика комиссияси ўз йўналишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошала бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиклолнинг тараннум этидиган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлансин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улуғ ва энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижроичилар ўртасида «Нихол» мукофотиغا номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджет ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улашларда қопланади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг 14 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 30 май

Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



БОРИМ СЕНГА, БОЛАЖОН!

ДАРҲАҚИКАТ, МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА НЕГАДИР ДОИМО УЙЛАНИБ ГАПИРАМИЗ, УКИНИБ СЎЗЛАЙМИЗ. ГҮЁ ҲАҚИКАТИ УЛАР ОЛДИДА АЙБОРДЕК СЕЗАМИЗ, ФАРЗАНДИМИЗ КЕЧАЮ, КҮНДУЗ ҒНИМИЗДА УЛАР ЭСА ОТА-ОНАСИЗ ДИЛИ ҲАҚИДА, КҮНГЛИ ЯРИМ УНИБ-ҲУСМОҚДАЛАР ДЕЙМИЗ. АСЛИДА ҲАМ ШУНДАЙМИКАН? АХИР, ҲАҚИКАТОНДАЙ ЖАННАТМАКОН ЮРТ, БАҲРИКЕНГ, САҲОВАТПЕША, МЕҲНАТСЕВАР ХАЛҚ УЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИ ЭМАСМИ? БАЪЗИ БИР ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИГА ЯРАТИБ БЕРА ОЛМАЙТГАН ШАРОИТЛАРНИ ДАВЛАТИМИЗ УЛАРГА ЯРАТМОҚДА-КУ. ЭМИН-ЭРКИН, ҲАМ-ҚАЙҒУСИЗ, ШОДУ ХУРРАМ, ҲАҚ БИР КАМЧИЛИКСИЗ УНИБ-ҲУСАЕТГАН БУ ҲАҚДА НАЗАР СОЛАР ЭКАНМИЗ, УЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ, ИСТИҚБОЛИ ЁРҚИН ЭКАНЛИГИГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛАМИЗ.

Тўғри, ота-она ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмайди, уларнинг меҳру муҳаббатини, қалб ҳароратини ҳам ҳеч ким бера олмайди. Аммо ҳеч бир мамлакатда бизнинг ёшларимизга бўлган каби эътибор ва ғам-хўрликни учратмаймиз, десак муболага бўлмайди. Буларни болажонларнинг ўзлари ҳам таъкидлашмоқда.

Фотима АББОСОВА: 15 ёшда, А.Хлебникова номида 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси: — Мана, бир неча йилдирки, ушбу мас-

камда таълим-тарбия олмақдан. Мен учун шу яшаётган уйимдан кўра азизроқ маскан йўқ назаримда. Ҳеч қачон ўқимаганман, бунга ҳоҳат ҳам бўлмаган. Нега, ота-онанинг бўлишини истамайсанми, — дерсиз. Истаймман, албатта. Лекин, баъзан уйлаб қолман, балки тўқсиз оила бўлганда ҳам менга бу қадар имконият ва шароитларни яратиб бера олмаган бўлишарми. Балки аксинча, бундан ҳам зиёд бўларди. Лекин мана шу катта оилани, дугона-ю дўстларини, тарбиячиларим ва устозларимни ҳеч кимга олиш-

масдим. Энг янги кийимлар, энг замонавий ўқув жихозлари, энг тансиқ ва сара егуликлар, энг зур концерт ва томошалар аввало бизга тақдим қилинади. Яшайдиган шароитларимизни эса ўзингиз кўриб турибсиз. Нега энди ўқисим керак. Биргина истагим, Худо хоҳласа бағрикенг халқимиз, жонқуяр давлатимизнинг солиқ фарзанди бўлиб етишаман. Улар олдида ниҳоятда қарзим кўп эканлигини ҳис қилиб яшайдим доим.

Жамолдин ҚУРБОНОВ, 16 ёшда: —Ота-она ўрнини ҳеч ким боса олмас керак деб ўйлайман. Аммо шу меҳрибонлар масканда камол топар эканман, бир нарсага амин бўлдимки, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Ҳатто яшаш тарзимиз ҳам ҳавас қилгулик. Укинниша, изтироб кечикча ҳеч қандай асосимиз ҳам, сабабимиз ҳам йўқ. Мисол учун биргина ошпаз амакимизни олайлик. Уларни ада, дода, ота деб чакришга одатланганмиз. Улар ҳам бизларни ўз фарзандларидан асло кам кўрмайдилар. Йил давомида жуда ҳам кўп саҳоватпеша хомийларимиз томонидан турли хил соғва-саломлар олмақдамиз. Бунинг учун улардан миннатдоримиз. Баъзи ота-оналаримиз тирик бўлтуруб ҳам бера олмаган меҳру муҳаббатни улар бермоқдалар. Ҳар бир тарбиячи ва ҳодим ота онамиздан асло

кам эмас... Айтиш керакки, А.Хлебникова номида 22-Меҳрибонлик уйда ёшларимиз учун барча шарт-шароитлар кўнгилдагидан ҳам зиёдор қилиб яратилган. Бугунги кунда бу масканда 97 нафар ёшлар камол топмоқдалар.

—Бола кўлгуси дунёни нурафшон қилади. —деди 22- Меҳрибонлик уйи директор ўринбосари Хурсанд Холова. —Уларсиз ҳаётнинг мазмуни йўқ. Бу даргоҳнинг ҳар бир тарбияланувчиси ўз бола-миз каби азиз ва қадрлидир. Биз уларга, улар бизга меҳр иплари билан боғланиб қолганмиз. Бу уй, бу ҳовлининг ҳар бир қарчида уларнинг шодон кўлгуси янграйди. Баъзан хомуш нигоҳларида ўқинчимни, соғинчимни, дардимни сезаман. Шунда бутун борлигим билан титраб кетаман. Наҳот кераклича меҳр бера олмаямиз, дея ўйлайман, наҳот уларнинг қалби кемтиклигича қолади деб изтироб чекаман. Аммо бу ўткинчи хаёл онгимда тезда йўқолиб кетади. Истагимиз бола кўнгли йиғла-масин, унинг мурғак қалби ҳеч қачон озор топмасин. Дунёнинг ҳар бир бурчагини уларнинг беғубор кўлгуси мунаввар қилсин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Тадбирлар

«БЕК ЮРТНИНГ БЕК БОЛАЛАРИ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА ЎТКАЗИЛГАН КАТТА БАЙРАМ ТАДБИРИ АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ. ТАДБИРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ, «МЕХРЖОН» СПОРТ ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ, МАЗКУР КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИҚДА ЎТКАЗДИЛАР.

Кечани табрик сўзи билан очган Болалар кутубхонаси директори Фотима Бухарова жумладан шундай деди: «Болаликнинг беғубор, беозор дамларини ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Инсон улғайгани сари болаликга талпинаверади, шунинг учун ҳам болалик — бу пошполик деб бежиз айтишмаган. Истардимки, дунёмизда ҳамisha болалар кўлгуси жаранглаб турсин. Уйимизни чарогон этакдиган, ҳаётимизга мазмун ва маъно берадиган, яшашга ундайдиган, борлигимизни билдириб турадиган, эзуликча эш қиладиган болаларимиз доимо соғ ва омон бўлсинлар. Уларнинг ҳар бир куни байрам бўлсин.

Тадбирда 21, 22, 23, 30, 31-Меҳрибонлик уйларининг жами 90 нафар тарбияланувчилари иштирок этдилар. Байрам тадбири доирасида «Ким энгилчи, ким қачон?» спорт ўйинлари ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамаиети, «Умир» республика жамоатчилиги Кенгаши, «Она замин» ширкати, «Им-кон Плюс» кўшма корхонаси томонидан болаларга турли-туман совғалар топширилди. Шаҳар болалар ижодиёт марказининг «Гунча» ансамбли, Успенский номидаги махсус мусика академик лицейи ўқувчилари, болалар шуқу гуруҳлари томонидан янраган куй-қўшиқлар ва дилбар рақслар кечанинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлади.

Сабрина ЗОКИРОВА, талаба

Ўзбекистон халқ рассомларидан биринчилардан бўлиб Чингиз Аҳмаров ҳеч кимга тақлид қилмаган ҳолда Шарқ ҳаётини чуқур ўрганиб, болаларни оила қувончи, ҳаётимиз кўрки эканлигини кўрсатиб, «Бола бошидан» деганларидек гўдаклигидан халқимиз худди ниҳолни, боғни парвариш қилаётгандек эъзозлаётганини турли тасвир, кўринишларда тарғиб этиб, кўз-кўз қилади. Биз буни «Она ва бола», «Бува ва невар», «Бешикли она», «Варрак» асарларида томоша қилиб, ҳаёлларга толамыз, завқ оламиз. Мусаввир бола тарбияси мураккаблигини қайта-қайта ўқитиб, буюк алломаларимиз, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг қандай воёга етиши, илмга интилиши, дўсти Ҳусайн Бойқаро билан яхши дўст-ўртоқ эканлигини тасаввурлари орқали жонлантирган.

Чингиз Аҳмаровнинг зурриётлари (умр йўлдоши мусаввир Шамсиддин Хасанова эди) бўлмасда, болаларни жуда яхши кўра, улар тарбияси ҳақида қайғурарди. Эр-хотин бир-бирларини ҳурмат-иззат қилганиларидан бу ҳақда сир сақлаб келишгани хусусида гап боради. Реалистик йўналишларда (миниатюра услубида) яратилган болалар тасвирлари санъат муҳлисларида ҳамон-ҳануз завқ уйғотиб келади. Чингиз Аҳмаровнинг «Алоҳи ўлжани киз», Шамсиддин Хасанованинг «Пахта чанояни ушлаган кизча»

рангтасвирлари Ўзбекистон Давлат санъат музейининг ноёб экзонатлари ҳисобланади. Қайси рассом ижодига назар ташламайлик, болалар тасвирлари топилади, Чингиз Аҳмаровнинг шоғирдларидан академик мусаввир Жавлон Умарбеков ўз оиласидан «Диллафрузнинг хомилдорлиги» асаридан умр йўлдошининг ҳолати, орзуи, ўй-хаёли, қувончлари, изтиробларини ўта ҳаётли акс эттира олган. Ва ниҳоят тузилган фарзандлари

лисларини қизиқтирадиган бўлиб қолди.

Ҳа, устоз яхши бўлса, бу шоғирдининг камолоти, Мусаввир Жавлон Умарбековни устози Чингиз Аҳмаров сабаб талабалик йилларидаёқ ўзбек рассоми бўлиб илк марта ўз халқига, бора-бора дунёга танилган миллий мусаввир бўлган десак, тўғри баҳо берган бўламиз.

Портрет устаси, ажайиб нотик, тасвирий санъат сир-асрорларини мукамал билган

КЕЛАЖАГИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИНИ ТАСВИРЛАГАН МУСАВВИРЛАР

БОЛАЛАРНИ БУТҲУН ДУНЁ ХАЛҚИ ХУШ КЎРАДИ. «БУЛАР ФАРИШТА» ДЕБ ЭЪЗОЗЛАШАДИ. ҲАРИЙ ЕВРОПА МУСАВВИРЛАРИ БОЛАЛАРНИ УЧКЎР ҚАНОТЛАРДА ОСМОНУ ФАЛАКНИ КЕЗИБ УЧИБ ЮРИШЛАРИНИ ЧИРОЙЛИ КЎРИНИШЛАРДА ТАСВИРЛАШГАНИНИ КЎРИШ МУМКИН. НАФАҚАТ РАНГТАСВИР, БАЛКИ ҲАЙКАЛТАРШЛИҚДА ҲАМ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.

«Сардор», «Сухроб» кўяфаларини гоҳ чизгилар, гоҳ рангтасвирларда кўриб, унинг маҳоратига тин берамиз. Жавлон Умарбеков ижодини аслида болаларни тасвирлашдан бошлаган экан.

1968 йили Ж.Умарбеков Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг Болалиги» асарини яратар экан, бу асари болаларга бағишланган энг яхши рангтасвир сифатида баҳоланиб, Санъат музейининг ноёб экзонатлари қаторидан ўрин олиб, санъат мух-

тибин-тинчмас ўт юракли академик мусаввирларимиздан бири Абдулҳақ Абдуллаев ҳам болаларни жон-дилдан севган. У киши ҳам ҳаётини ижодга бағишлаганлардан эди. Реалистик санъат йўлидан бориб, «Буви билан невар», «Шахло» портретларини яратиб, ҳар икки портрет асарга қалб кўрини бағишлаган. Шу асарларидан бири «Буви билан невар» 60-йилларда яратилган бўлиб, Ўзбекистон Давлат санъат музейи хазинасига қўшилган. Қўш портретда қарияларимизнинг оилага қўшган ҳиссаси, меҳри

чексиз, барчага ибратли томонлари худди ҳаётдагидек чиққан эди. Рангтасвири ҳеч бир рассом ишига тақлид қилинмаган. Бекамун кўстлиги кишини хайратда қолдиради. Болалар буви мамун ҳолатда неварани тиззаларига олиб ўтирибдилар. Сочлари оппоқ, юзларида ажин, соғлом, тетик, яхши кайфиятларининг боиси, болаларнинг. Невара билан овуниб, қувончларида қувонч қўшилиб, шундан куч олиб, қарилгани мукамал билган тағлиқларини сезиш мумкин.

Бир пайтлари йўлим мусаввир яшайдиган пойтахтнинг Аваз Утар кўчасига тушганда уларни олдида бир қизчани кўтариб Абдулҳақ Абдуллаев турган эканлар, сўрашиб ҳақиқатни билмоқчи бўлсам, қизлоқ жиянлари Шахлоники эканлигини қулиб,

якши кайфият билан гапирдилар. «Музейимиздаги буви кўтариб турган қизчага ўхшаркан» десам, «Ҳа, бу айнан Шахлонинг ўзини ўхшайди. Худди ўша йили (1961 йил) Шахлони (боғча ёшида) кўргачоғи билан тасвирлаб, кўргазмага қўйсам Москва-Лереклар давлат галереяга муносиб экан, деб олиб кетишган», дегандилар. Мусаввир ҳар икки асарда жиянининг болаликка ҳослик, беғуборлигини очиб берган эканлар. Маҳмуд АХМЕДОВ

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КЕЧАСИ

ИЛМ-ҲАМ, САНЪАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ҲАМДА БИЗНЕС ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ, ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИ ҲАҚОНДА ОММАЛАШТИРИШ, МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДИЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ РИВОЖИ, ЁШИ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Йўлида БИРЛАШТИРИШ «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Жамғарма ўтган давр мобайнида кўпгина ёрқин лойиҳаларни амалга ошириб, ижтимоий ва халқаро муносабатларда ўз ўрнини топди. Хусусан, жамғарма томонидан хорижий давлатларда Ўзбекистон анъанавий ва замонавий маданиятини тарғиб этишни турли кўргазма, концерт, халқаро анжуманларнинг ўтказилаётганлиги тахсинга сазовордир. Жамғарма томонидан 2005 йилдан буён Москвада анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Ўзбекистон санъати кечаси» ўзбек маданиятининг бой салоҳиятини янада оширмоқда. Москвадаги Форум холл тантаналар залида ўтказилган навбатдаги анъанавий кечада Россиянинг таниқли сийёсатчилари, дипломатлари, медиа ва бизнес таълимчилар вакиллари, спорт ва маданият арбоблари иштирок этди.

Хорижий меҳмонлар ушбу лойиҳа ўзига хос ва бетакрор ўзбек маданиятининг бой салоҳиятини намойиш этган ҳолда Россия пойтахти маданий ҳаётида ҳам катта воқеа ҳисобланишини таъкидлашмоқда.

Виктор Садовничий, академик, МДУ ректори: — Ажайиб кеча. Фикримча, Жамғарманинг бундай санъат кечаларини ўтказиши ҳамда фан ва санъат соҳаларида сезиларли рол ўйнайдиган инсонларни тақлиф қилиши жуда яхши ҳол. Биз бу ерда бир биримизни яқинроқ билиб оламиз. Бундай гоҳини тарғиб қилаётгани учун Гулнора Каримовадан жуда миннатдорман. Менимча, бундай кечаларни бошқа республикалар ҳам ўзлари учун намуна қилиб олишса керак.

Любомир Тянь, Россия Давлат думаси депутати: —Кеча менда катта таассурот қол-

дирди. Москвада яхши анъаналарга айланган ва ўзбек санъатини намойиш этишни бу тадбирда илк бор қатнашган бўлишимиз учун бундай тадбирларни ҳар йили ва тез-тез ўтказиш жуда муҳим деб ҳисоблайман.



Жамғарма Васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримованинг қайд этишича, аввалига Жамғарма асосан ўзбек маданияти ва санъатини тарғиб қилиш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқини эса хорижий давлатлар санъати билан таништириш мақсади-

да ташкил этилганди. Жамғарма ваколатхонасининг дастлаб Москвада очилиши ҳам беҳиз эмас. Энди бу эстафетани қабул қилиб олишди. Бугун Жамғарма офислари Пекин, Токио ва Парижда очилган, яқинда эса



ЮНЕСКО билан «Англашув меморандуми» имзоланди. Сўнгги пайтларда Форум Жамғармаси турли йўналишларни ўз ичига олувчи жамоат ташкилоти сифатида Ўзбекистонда анча танилиб қолди. Жамғарма фаолиятига нафақат маданият ва санъат арбоблари, балки тиббиёт, таълим ва иқтисодиёт соҳаси вакиллари ҳам қўшилишди. Ҳозир Жамғарма ўзининг таълим дастурлари, ёшлар танловлари ва фестиваллари билан кенг жамоатчиликка яхши таниш.


Тадбир дастури анъанавий, мумотоз ва замонавий санъат уйғунлиги тамойили бўйича тайёрланди. Унга кўра, сўз биринчи навбатда иқтидорли ёшларга — Форум Жамғармасининг дипломатлари ва грантлари соҳибларига берилди. Бу сафар россиялик машҳур дирижёр Владимир Спиваков дирижёрлигида мусика асарларини ижро этган Ўзбекистон Усмилрлар симфоник оркестри, кичик макомчилар Севдиёр Давлатов ва Шахзод Жўраевлар, доирачи ака-ука Ҳакимовлар, Марказий Осиёнинг кичик маликаси номини олган 6 ёшли Хадича Имомназарова, «Аладдин» болалар гуруҳи ва «Гранд мастер» брэйк-данс жамоаси ўзбек маданиятини намойиш этишди. Шу ўринда «Гранд мастер» жамоаси ўзбек миллий наволари остида замонавий рақс ижролари билан томошабинларни хайратга солганини таъкидлаш жоиз.

Айтиш жоизки, Фаррух Зокиров, ўзбек эстрадасининг таниқли ижрочилари Рашид Холиқов, Самандар, Райхон, Сардор Раҳимовларнинг чиқишлари ҳамда «Офарин» рақс театри раққослари ижро этган шарқ эртагини эслатувчи ўзбек рақслари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

«Ўзбекистон санъати кечаси»нинг ажралмас қисми бўлган бадиий кўргазмада эса бу сафар Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва хусусий тўпламлар заҳираларидан олинган этнографик либослар ҳамда республикамизнинг етакчи мўйқалма усталари асарлари ва миниатюралари намойиш этилди.

«Ўзбекистон санъати кечаси» иккала мамлакат ўртасида юқори даражада музокара олиб бориш имконини берувчи маданиятнинг бирлаштирувчи қучини яна бир бор намоян қилди. Жамғарма ўз лойиҳаси билан Россиянинг сийёсий, дипломатик, илмий ва ижодий доираларида Ўзбекистон санъати ва маданий қадриятларига нисбатан самимий қизиқиш уйғота олганига шубҳа йўқ.

Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИКМАТЛАР

Келди дунёга ибодат деб башар, Бўлди мункирга ибодатгоҳ сақар.

Одамий дунёда нелар айлосин, Майли, лекин бандаликни ўйласин.

Ғар асл мақсад китобдин фан эрур, Бош кўяр бўлсанг анга, болиш бўлур.

Лек китобдин муддао болиш эмас, Муддао илму маърифат ҳар нафас.

Ур ёмонни — бош эгар урсанг магар, Яхшиларга берки, бергайлар самар.

Аҳли дунё шоҳга этгай саждалар, Кибриёга сажда этмаслар улар.

Нафси бадга кимда-ким эҳсон этар, Билмагай неъматни ул, куфрон этар.

Аҳли меҳнат шукр этиб, шокир эрур, Аҳли неъмат макр этиб, ботил эрур.

Макр этар безода — ул зарринжабо, Шукр этар ул хастаким, соҳибабо.

Молу неъматдин шукр келгайму ҳеч? Келгай ул дарду аламдин эрта-кеч.

Билки, ошиқнинг ғизоси ишқ эрур. Аҳли ошиққа писанд эрмас вужуд.

Ишқ эмишдир ҳар маҳал жонларга кут. Очлик эрмиш дину иймонларга кут.

Қултуруш чўрига этмас эътибор, Чўрининг чун бир сотишлик қадри бор.

Улмидирсен, булмидирсен, бу гумон, Жаҳд этгил, кимлигинг бўлгай аён.

Тожир ул кўрқоқ эса, ҳовлиқма жон, На самар кўргай бу ишда, на зиён.

Шуълани севгучиларга шуъла бор. Жумла ишда бор умиду эътимод, Динни маҳкам тутки, топгайсен нажот.

Кам эмас эр сидқи хотин сидқидин. Бугланиб сув, қўкка юксалгай ҳаво. Сув бўлиб ерларга тушгайди яно.

Боқ, ақл бирлан малакнинг жинси бир, Бир сабабдин айрича сувратлидир.

Чалма барбат савтини — тингларму кар? Тингламоққа сўзга ҳам лойик керак.

Қайда дард эрса, даво бергай анга, Қайда йўқсилдир, наво бергай анга.

То бола дунёга кўз очмас экан, Унга деб сут келмагайди сийнадин.

Сув тараб турсанг экинга муттасил, Экканинг қолмас қуриб, тортгай яшил.

Ғар муруват айласа Раҳмон анга, Қуш нигоҳбондир, балиқ посбон анга. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Острозебек шаҳри маъмурияти ва Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Бельгиянинг турли минтақалари ишбилармон ва маданий доиралари вакиллари, маҳаллий тарихчилар, санъатшунослар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Острозебек бургомистри Жан Мари Бонт тақдимоти очар экан, мазкур тадбир Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу бетафорр ўлка-

нишонланадиган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик ва Маргилоннинг 2000 йиллик юбилейлари ҳақидаги маълумотлар билан атраф-лича танишдилар.

Тақдимот доирасида Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма намойиш этилди. Бельгияда ўтказилган «Wereldfolklorade — 2007» фольклор рақсларининг XXI халқаро фестивалида Ўзбекистон санъатини намойиш этган «Лазги» фольклор ансамбли раққосалари ўзларининг жозибали рақслари билан тадбирга ўзгача шухук бағишладилар.

«Flanders Tapestry and Carpets» гилам маҳсулотлари фабрикаси директори К.Фоллебрегнинг айтишича, Острозебек шаҳрида ташкил этилган бу тадбир Фландрия провинцияси минтақалари ҳамда Ўзбекистоннинг алоҳида вилоятлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга кўмаклашди.

